



Миллий тикланиш партияси ташкilotлари, етакчилари, хайрихоҳларимиз ва тарafdорларимиз, барча ўқувчи, фидрловчи мухлисларимиз ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси бугун 1999 йил 5 декабрда ўтадиган Олий Мажлис, вилоят, шаҳар, туман кенгашлари депутатлиги ҳамда 2000 йил 9 январда бўладиган Ўзбекистон Президенти сайлови олдидан ҳаракат дастури (платформаси)ни эълон қилмоқда. Дастуриимизда Ўзбекистонда миллий тикланиш жараёнининг яқин, ўрта ва узоқ даврига мувофиқлашган муҳим йўналишлари, ҳаёт қурилишларида амаллий кучга эга миллий ғояларимиз ҳамда мафкуравий тизимларимизнинг узак ҳолиса, ҳуқуқиялари белгиланган.

ЎЗМТДП Марказий Кенгаши сайловолди дастуриимиз ҳақида партия етакчилари, бугунлари, аъзолари, хайрихоҳлари, тарafdорлари ўз фикр-мулоҳазалари билан уртоқлашади, деб умид билдиради.

ЎЗМТДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Мустиқиллик кинолари — маънавият бинолари ЎЗБЕК МИЛЛАТИ УЧУН КУРАШ

ЗАМОНАВИЙ «ЁР-ЁР» ЁХУД МУРОД РАЖАБОВНИНГ «ҚОРА КЎЗЛАР» КИНО РЎМОНИ ҲАҚИДА ШАХСИЙ ТААССУРОТЛАР

Хар бир даврнинг ўз киноси бўлади. 60-йилларда «Фурқат» кинофильми машҳур бўлган эди. 70-йилларда «Маҳаллада дув-дув гап» одамларнинг оғзига тушди. 80-йилларда «Келинлар кўзғолони» апогеяда турган бўлса, 90-йилларда «Темир хотин» ўқик кўнгилларни жунбушга келтирди.

Ўзбекистонда ҳам бугун байрам фильми бор. Хар Наврўз ёки Мустиқиллик байрамларида Рихсавий Мухаммаджоновнинг «Суюнчи» ёки «Тангаллик болалар» кинофильми телевидение орқали намойиш қилинади.

1999 йил Мустиқилликнинг 8 йиллиги байрамида Ўзбекистон телевидениеси Мурод Ражабов режиссерлигида суратга олинган «Қора кўзлар» икки серияли фильмини намойиш этди. Олдиндан огоҳлантириб қўйиб: асар ёзувчи Пириқул Қодировнинг шу номли романи асосида суратга олинмаган. Ушбу фильм Ўзбекистонда таниқли бир қатор санъаткор актёрлар дастасини ўз аълофида жамлаган: Юлдуз Усмонова, Мурод Ражабов, Фароғат Раҳматов, Эркин Қомиллов, Матназар Матқонов, Достон Убайдуллаевларни эслатиб ўтиш кифоя. Асар сюжетини кадимий ва ҳақиқат навиқорон муҳаббат мавзусига қурилган. Бугунги ўзбек кинои ўйи кинофильмининг маънавий ташкил этди.

Ўзбекнинг янги бойларидан бири Жаббор бизнессда ўз мавқеини янада мустиқиллаш мақсадида йирик амалдор раҳбарнинг жиянини ўзига келин қилиб олаётган. Тошкентда одат бўлган анъанага кўра бу борада ўғилнинг раъйига қараш, кўнглига қўлоқ тутиш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмайдиган. Ўй-тантана янги бойга муносиб. «Лимузин», «Мерседес», «Нексия»лар қатор-қатор.

Давоми тўртинчи бетда

Карнай-сурнай авжида. Фақат бир «но»си, Жаҳонгир отасининг «тавсияси» билан уйланаётган сулув қиз Сабинани уларнинг бошқа синфдоши Тўлқин жон-дилидан яхши кўради.

Бояқиш ошқик бола яримта оила фарзанди. Отасиз, онаси ногирон, бир этак ука-сингиллари бор. Нима дейсиз энди, кўнглига бўйиб бўлмас. Муҳаббат туйғуси, сен камбағалсан, сен бойсан, демас. Нотавон кўнглига қўтир жомашов!

Бола пақир «бой амакилар, бу қизни мен жонимдан ортиқ кўраман, ўлингизга бошқасини олиб беринг, қиз ҳам мени севади, бизларни бир-биримиздан айирманг» дея Худонинг зорини қилишига қарамай, унга парво ҳам қилишмайди.

Шундай кезларда, тақдир-аъмолнинг ҳал бўлаётган дақиқаларда, бошингга мушқул тушиб, ишинг орқага кетиб турган паллада ёрдам сўраб кимга мурожаат қиласан?! Мелисагами, прокуроргами, ҳокимгами? Бунинг устига, рақибинг замонанинг олди одами — янги бой бўлса! Онангнинг қози ранжитса, додингнинг Худога айт, деган гап бор. Ўзбекда. Осмон йирок, ер қаттиқ. Жаббор бой «оёқ остида ўрлашувчи болани» каматиб қўяди...

Хар бир авлоднинг, замонага қараб ўз сингари мазорлари, сунган тоғлари, ишонган боғлари бўлади. Бизнинг авлод, масалан, бир курсдош дўстимизнинг бошига айна шу кинодаги савдо тушганида, партия, комсомол, функционерлари билан ишимиз битмаган, ҳақгўй домламит, ҳақиқат сиёсий оқимга қарши сузданган, жасур адабий танқидчи Озод Шарофуддиновга мурожаат қилганмиз...



МЕВАСИДАН МАҒЗИ ШИРИН

БМТ КЎНГИЛЛИЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасида «Миллий кўнгилли талабалари БМТ ва БМТК (Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Кўнгиллилари) фаолияти билан таништириш» мавзусида учрашув — семинар ўтказилди.

Ўзбекистон БМТ Тараққиёт Дастурида ҳам шу йўналишга доир режалар белгиланган эди.

БМТ Тараққиёт Дастури амалга оширишда Кўнгиллилар сафига кириш истагини билдирган 270 талаба қайд қилинган, улар республикада таълим олувчи ёшлардир. Ушбу семинарда уларнинг 22 та вақили иштирок этди. Талабалар БМТ Тараққиёт Дастури доимий вақилининг ўринбосари жаноб В. Мунтян, БМТК Программаси раҳбари жаноб Л. Нарфелдт, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий мувофиқлаштириш секцияси раҳбари Лаура Рио хонимнинг мавзуга доир чиқишларини тингладилар. Талабаларга БМТ фаолияти қирраларини ёритувчи видеофилм ҳам намойиш қилинди.

ДОНОЛАР БОЙЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИК ҲАҚИДА

Мол-дунёга меҳр қўйиш барча халоларнинг илдиридир.
(Расули Акрам саллаллоҳу алайҳи ва саллам)

Сен мол-дунё йиғиш ташвишдасан, дунё эса сени узишдан чиқиб ташлаш пайдайдир.
(Ҳазрати Абу Бакр Сиддик разияллоҳу анху)

Мол-давлат мастлигига дучор бўлишдан Оллоҳнинг паноҳини сўрагин, чунки бу мастлиқни ўлимдан бўлак ҳеч нарса тарката олмайди.
(Ҳазрати Али Муртазо р. а.)

Худо кимни паства ўрмоқчи бўлса, ўшани мол-давлат кетидан югуртириб қўяди.
(Ҳўжа Ҳасан Басрий)

Мол-дунё ва пул илон-чаёлардир: дуосини билмасанг, уларга қўл теккизма. Дуоси шуки, келиши халолдан ва кетиши Ҳақ йўлига бўлсин.
(Яҳё бин Муъоз)

Ўзгалардан бойликда ўза олмасанг, яхши хулқда ўзим кетишга ҳаракат қил.
(Маъруф Кархий)

Дунёда бадмастликка элтувчи ва охирадда жаҳаннам ўтига ташловчи бойликка аҳмоқларгина меҳр қўйиши мумкин.
(Низом-ул-Мулк Тусий)

Ишинг давлатингни сарфлаш билан битадиган бўлса, жонингни хавф остига қўйма.

Қурумсоқнинг ерга кўмилган бойлиги унинг ўзи ерга кўмилгандан сўнггина ер юзига чиқади.
(Шайх Саъдий)

Хаддан ташқари бой ва хаддан ташқари камбағал бўлиш — иккиси ҳам ёмон ишларга бошлайди.
(Абу Али ибн Сино)
Тўпловчи: ШАРОФ МИРЗАЕВ

ОВОЗИНГДАН ВА СОЗИНГДАН ЎРГИЛАЙИН

Қўшиқ қалбдан келади, қалбга қуйилади, қалбнинг яқини — халқнинг яқини.

Миллий санъаткорларимиз миллий тикланишимизнинг юрак-юракдан жонқурлари, халқ миллий руҳиятини қадим, авжлий оҳангларда сарбаланд этгувчилардир. Уларнинг собит эътиқодлари, мумтоз оламларга муҳаббатлари қошида енгил-елпи оқимлар охири. Бу қўнға наволар мудом музаффар,

хар нечук замонада ҳам қалблар тожи уларнингдир. Қон-қонимизда гулуриб турган ўзлик оташлари бу ўтли нафасларни тез танийди, жондан яқинлашади.

Ўзинга воламану суратингдин ўргилайин — деб бошлангучи, халқимиз ўргилиб тинглайдиган бу қўшиқ хофиза Насибатторовани элга ардоқли қилган дил айтими бўлганлигини мухлислар кўп яхши билдилар.

Хофиза бугун ўз санъати билан юртимиз шаънини жаҳон аро миллий оҳанглар уфқида сувратландирди — маълумингизким, «Шарқ тароналари» халқаро фестивалининг бош соврини — Гран при соҳибаси бўлди. «Шарқ булбули» номига сазовор Насибатторованинг улғув ютуғи миллий санъатимизга жаҳон муҳаббатининг ҳам бир эътирофига айланган, қадим оҳанглар ила дунё суҳбат тутинди.



ИСТИҚЛОЛ — БУЮК НЕЪМАТ!

Рассом Ортиқали ҚОЗОҚОВ

ЮРТИМИЗ ОСОЙИШТАЛИГИГА ҲЕЧ КИМ РАҲНА СОЛОЛМАЙДИ

Фарғона вилоятининг Сўх тумани Қирғизистоннинг Боткент ва Қадамжой туманлари билан бевожита чегарадош. Қирғизистон жаҳонини безовта қилиб турган жинсий тўдаларнинг эҳтимол тутилган ҳаракат йўналишидаги энг муҳим аҳоли масканларидан бири ҳам Сўх тумани ҳисобланади. Лекин туман кишлоқларидаги аҳвол билан танишган киши бу ерда ташвиш ва таҳлика сезмайди. Сабаби — қўшнлар ҳудудиде безовталик бошланган илк кунларданок мамлакатимиз раҳбариятининг топшириғи билан чегарадош туманда аҳоли тинчлигини ҳимоя қилиш учун барча зарурий чоралар қўриб қўйилди.

— Боткентдаги воқеалар муносабати билан кўпчилик туман ҳокимиятига мурожаат қилиб, кўнгиллилар сафига ёзиб қўйишни сўрамоқда. Биз бу кишиларга ташвиш учун ҳеч қандай сабаб йўқлигини, халқни ҳимоя қилиб олишга ҳукуматнинг кучи бемалол етишини тушунтирмоқдамиз — дейди Сўх тумани ҳокими Баҳодир Обиджонов.

Ҳокимнинг маълум қилишича, Сўх ва Боткент туманлари ҳокимликлари ўртасидаги алоқалар ҳозир ҳар қачонгидан ҳам яқинроқ ва қалинроқ. Ҳокимликлар ўртасида доимий телефон алоқаси йўлга қўйилган. Раҳбар ходимлар тез-тез учрашиб, зарур масалаларни муҳокама қилиб оладилар. Боткентликлар Сўхдан зарур барча ёрдамни олмақда. Ҳуқуқ-тартибот органлари ҳам ўзаро муносабатларни яхши йўлга қўйган.

Чегаралар мустиқиллаётган бўлса ҳам, оддий аҳолининг борди-келдиси чеклаб қўйилгани йўқ. Боткентликлар ҳамон Сўхнинг обод бозоридан маҳсулот харид қилмоқда, ўзларининг маҳсулотларини сотмоқда.

Бир нарсани таъкидлаш керак: кўпуровчилар Сўх йўналишида юришдан бошдаёқ воз кечган. Чунки қўшнларимиз уларни бутунлай йўқ қилиб ташлаш қудратига эга

эканлигидан воқиф бўлган. Динни никоб қилиб олиб, халқни чалғитишга уринмоқчи бўлган ғаламис кучлар — диний экстремистларнинг барча уринишлари зое кетади. Мустиқиллик туфайли масжид ва мадрасаларимиз эшиклари очилди, фуқароларимиз муслимончилик фарзларини бекаму қўст адо этишмоқда. Ҳаж зиёратлариға бориш учун кенг имкониятлар яратиб берилганлигини ҳамма кўриб-билиб турибди. Фаразли мақсадларни кўзлаб, айрим чет кучлар таъсирига берилган жинсий гуруҳлар қилимишига яраша жазо олиши муқаррар.

— Ватан, халқ, миллат обрўйи, шон-шухратини пулга сотиб бўлмайди, — дея суҳбатга қўшилди сўхлик Муҳаммад Сангинов. — Ўзларини дин ҳимоячилари сифатида кўрсатишга уринаётган кимсаларнинг асл мақсадлари нима ва улар кимнинг ногорасига ўйнашаётганини биз яхши биламиз. Муслимончиликда одамлар тинчинини бузиш, гўдакларни етим қилиш, қон тўкиш қаттиқ қораланган. Боткент туманида йўл бераётган воқеалар бизнинг руҳимизда тақрорланмаслиги учун барча чора-тадбирлар қўрилмоқда. Чегараларимиз мустиқил, фуқароларимиз тинчлиги тўла таъминланган.

Ишончли манбаларнинг хабар беришича, кўпуровчилар Қирғизистон ҳукумат доиралари ва аҳоли билан муносабатда ўз тактикасини ўзгартира бошлаган. Дастлаб жангарилар оддий аҳолига биз тегмаймиз дейишган бўлсада, амалда улар ҳеч нарсадан тап тортишмапти. Яъни фурсати бўлди дегунча, тинч аҳолини ҳам гаровга олишга интилоқда. Қирғизистон томони ҳам жинсий тўдаларнинг нақадар катта хавф эканини алақачон тушуниб етди.

Хулоса шуки, диний экстремистлар манфур ниятига етолмайди.

Муслимон Намозов,
Расулжон Камолов,
Ўза мухбирлари
Фарғона вилояти

1999 йил, 14 сентябр; 33 (206)-сон

